

**СЕМАНТИКА ТАВСИФИ ВА ЛЕКСИК СЕМАНТИКАГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАР****К.Рихсиева**

*Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат  
ўзбек тили ва адабиёти университети,  
катта ўқитувчи (PhD)*

**S.Boltabayev**

*Karabuk universiteti dotsenti (PhD)*

**Аннотация:** Семантика лингвистик соҳа сифатида ўз тадқиқ объектига эга. Семантика ва унинг масалалари доирасида марказий ўринни тилнинг луғавий бирлиги эгаллайди. Бу эса семантиканинг бир қадар мураккаб жараёнлар таҳлилига алоқадорлигидан далолат беради. Чунки тилнинг луғавий бирлиги бўлган сўз, бир томондан, тушунча ифодаси сифатида қаралса, бошқа томондан эса грамматик, прагматик, когнитив омиллар билан алоқадордир. Лингвистик семантиканинг асосий вазифаларидан бири нолисоний воқеликнинг сўз маъносида қандай акс этаётганлиги ва ўзгараётганлигини аниқлашдан иборатдир. Семантика ва унинг масаласини белгилаш, сўзларнинг семантик структурасини баҳолашда лисоний ва нолисоний омилларга таяниш керак.

**Калит сўзлар:** семантика, тафаккур, семасиология, этимология, тушунча ифодаси, когнитив омил

Муайян вазиятларда сўз маъноларининг ўзгариши, тафаккурнинг тилда акс этиши, тафаккур ва тил тараққиёти муаммолари XVII – XVIII асрлар фалсафий масалалари қаторида тилга олинган. “Маънони ўрганиш тарихи антик даврлардан бошланади. У даврларда маънога фалсафий нуқтаи назардан ёндашилган. Қадимги Грецияда сўз ва у номлаётган нарса табиатан боғлиқми ёки ном ва маъно ўртасидаги боғлиқлик шартлими, деган масала кўндаланг кўйилган. Ушбу фактларга асослансак, семасиология антик даврларда пайдо бўлган, дея оламиз. Лекин бу даврлардаги маъношунослик тилшунослик эмас, балки фалсафанинг таркибий қисми сифатида шакллана бошлаган<sup>54</sup>. Семантика ҳақидаги дастлабки қарашлар семиотика ва мантиқ доирасида бўлган. Семантиканинг кейинги тараққиётида Ч.Пирс, Ф.де Соссюр ва Ч. Морриснинг қарашлари алоҳида аҳамиятга эга. Г.Фреге, Б.Рассел, А.Тарский, Р.Карнап ва бошқа олимларнинг тадқиқотларида семантика масаласи мантиқ ва тафаккур масаласига алоқадорликда ёритилган.

XIX асрга келиб семантикага оид илмий қарашлар тизимли равишда умумлаштирилди, этимология соҳасида бир сўздан бошқа бир сўзнинг ясалиши, сўз маъносидаги ўзгаришларни аниқлаш ва таҳлил қилиш талабидан келиб чиқиб, семантика масаласига алоҳида эътибор қаратила бошлади. XIX асрнинг

<sup>54</sup>Hakimova M. Semasiologiya. O'quv qo'llanma.–Toshkent, 2008. –Б. 5



иккинчи ярмида тилшуносликнинг табиий фанлар билан алоқаси, интегратив соҳаларнинг юзага келиши, тилнинг фонология тизими таҳлили билан бир қаторда нутқнинг психологик хусусиятларига қизиқишнинг ортиши семантиканинг сўз маъноларидаги ўзгаришларни тадқиқ қилувчи соҳа сифатидаги тараққиётини таъминлади.

Семантика лингвистик соҳа сифатида ўз тадқиқ объектига эга. Семантика ва унинг масалалари доирасида марказий ўринни тилнинг луғавий бирлиги эгаллайди. Бу эса семантиканинг бир қадар мураккаб жараёнлар таҳлиliga алоқадорлигидан далолат беради. Чунки тилнинг луғавий бирлиги бўлган сўз, бир томондан, тушунча ифодаси сифатида қаралса, бошқа томондан эса грамматик, прагматик, когнитив омиллар билан алоқадордир. Лингвистик семантиканинг асосий вазифаларидан бири нолисоний воқеликнинг сўз маъносида қандай акс этаётганлиги ва ўзгараётганлигини аниқлашдан иборатдир<sup>55</sup>. Семантика ва унинг масаласини белгилаш, сўзларнинг семантик структурасини баҳолашда лисоний ва нолисоний омилларга таяниш керак бўлади.

Семантика бошқа фан соҳалари каби, ўз тадқиқот предметига эга. Бироқ бу предметни аниқлаш осон эмас. Предметни аниқлаштиришдаги ҳар хилликлар туфайли семантика ва бошқа лингвистик фанлар, хусусан, семантика ва прагматика ўртасидаги чегараларни ўрнатишда ҳам ҳар хиллик юзага келади. Шунинг учун семантиканинг предметини белгилаш алоҳида масъулият билан ёндашишни тақозо қилади<sup>56</sup>.

**Семантика кўп ҳолларда семасиология термини билан синонимик муносабатда қўлланади:** “Семасиология (юн. *semasia* – “ифодалаш”+*logos* – “тушунча”, “таълимот”) тил бирликларининг, биринчи навбатда, луғавий бирликларнинг семантик тузилиши ва у билан боғлиқ масалаларни ўрганувчи соҳадир”<sup>57</sup>. Семантика ва семасиологияни айни тушунчалар сифатида баҳолаш тўғри эмас. Семантика семасиологиядан қуйидагича фарқланади.

**1. Семасиология аксарият ҳолларда лексемалар мазмуни, маъносини акс эттириш учун қўлланади. Семантика тилнинг барча сатҳлари мазмуний томонини қамраб олади. Шу жиҳатдан семантика семасиологияга нисбатан кенг тушунча ҳисобланади.**

**2. Семасиология соҳа сифатида махсус турларга ажратилмайди. Семантика ўз ичида бир қатор турларга бўлинади.**

Семантика ўрганиш объекти нуқтаи назаридан фонетик, лексик, **фразеологик, грамматик, синтактик** семантика каби турларга ажратилади. Лексик семантика бу турлар орасида аҳамиятли ўринни эгаллайди. Борлиқ

<sup>55</sup> Бу ҳақида қаранг: Золотарёва Т. А. Семантические особенности английских абстрактных существительных, влияющие а употребление артикля: Дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2003. – С. 10.

<sup>56</sup> Кобозева И.М. Лингвистическая семантика. –М: Эдиториал УСС. 2000. – С.8-10.

<sup>57</sup> Хожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004. – Б. 87.



нарса-ҳодисаларининг умумий белгиларини акс эттирувчи тушунчаларни ифодаловчи сўз ва унинг маъноси лексик семантиканинг муҳим масаласи ҳисобланади. Бундан маълум бўладики, лексик семантика ва семасиология тилнинг луғавий бирлиги бўлган сўз ва унинг лексик маъноси билан шуғулланувчи битта соҳанинг икки хил номланишидир. Семантика соҳани ифодалаш билан бир қаторда жараёни ҳам англатади. Масалан, функционал семантика алоҳида ҳодиса сифатида қайд қилинади: “Функционал семантика. Сўз семантикасининг ўзгаришини улар англатган нарсаларнинг бир хил вазифа бажариши билан изоҳловчи назария. Мас., рус. *перо* (қуш пати) — *перо* (ёзув қуроли)”<sup>58</sup>.

Маълумки, маъно ва унинг турлари ва типлари, таркиби ва кўлами, ифодаланиш восита ва омиллари ҳар хил ёндашувни талаб этади. Семантика маъно кўринишларини таҳлил қилишда ўзига хос қонуниятларга асосланади. Семантика таҳлил жараёнида тил бирликларининг пропозициясини, диктум ва модусларини қамраб олади. “Лингвистик семантика – сўзловчининг ҳақиқатларни, ҳис-туйғуларини, ниятларини ва тасаввур маҳсулини бошқа сўзловчиларга етказиш имконини берадиган ва тилни биладиган ҳар қандай сўзловчининг билимларини тушунтиришга уринишдир...”<sup>59</sup>.

Семантика лексик маъно ҳақидаги фан сифатида шаклланиб, лексик маъно билан боғлиқ семантик тараққиёт, маъно кенгайиши, торайиши, ихтисослашиши, узул ва окказионал маъно, бош ва ҳосила маъно, синонимия, антонимия, полисемия каби семантик ҳодисалар доирасидаги масалалар тадқиқи билан шуғулланувчи лингвистик соҳа сифатида тавсифланган. Кейинги йилларда семантик таҳлилларда луғавий маънога боғлиқ равишда грамматик маънолар ҳам қамраб олинмоқда.

Семантик тараққиётда семантик майдон, валентлик, миллий хусусиятлар масаласи ҳам алоҳида ўрин тутиши тадқиқотларда таъкидланган. Семантикага доир изланишларнинг аксарияти тил луғавий бирликларининг мазмуний алоқадорлигига асосланган семантик майдон таҳлиliga бағишланган тадқиқотлардир.

Сўзни семантик майдонларга ажратиб тадқиқ этиш 1930 йилларда немис тилшуноси Й.Трир томонидан илгари сурилган эди<sup>60</sup>. Бунда у “тушунча майдони”дан келиб чиқиб фикр юритди. Унинг таъбирича, ҳар бир сўз бир “тушунча майдони”га киради ва ҳеч бири оралиқ ҳолатида қолмайди. Шунингдек, сўзлар бир-бири билан туташмайди. Сўз маъносининг тарихий тараққиёти ўзгармас ҳолда тузилган майдоннинг қайта қисмларга

<sup>58</sup>Ўша манба: – Б. 126.

<sup>59</sup>Charles W. Kreidler. Ingliz semantikasi haqida. – Routledge, 1998

<sup>60</sup>Капанг.: Trier J. Der deutsch Wortschats im Sinnbezirk des Verstandes. – Heidelberg. 1931; Die Wortc des Wissens // Mitteilungen des Universitatsbundes. – Marburg. 1931; Sprachliche Felder // Zeitschrift fur deutsche Bildung. – 1932. Bd. 8. Hf. 9. –P.417-425; Deutsche Bedcutungsforschung. – Germansche Philologie: Ergebnissc und Aufgaben. Festschrift fiir Obehahel. – Heidelberg. 1934. – P. 173-200.



бўлинишидир.

Й.Трирнинг семантик майдонлар ҳақидаги назариясини унинг ватандоши Л. Вайсгербер давом эттирди. Унинг фикрича, тил объектив борлиқ билан кишилиқ онги ўртасидаги оралиқ оламдир. Шунинг учун ҳам, турли халқлар ташқи объектив борлиқни турли тил воситасида турлича тушунтирадилар. Сўзнинг маъноси шу сўзнинг қайси сўзлар гуруҳига кириши, яъни қайси майдонда эканлигига қараб белгиланади<sup>61</sup>.

Г.Шчур олиб борган 70 га яқин илмий ишларнинг аксарияти семантик майдонлар назариясига бағишлаган. Бу соҳада у тилнинг барча соҳаларидаги семантик майдон назариясини таҳлил этиб беради<sup>62</sup>. Унинг айниқса, семантика, семантик тараққиёт доирасидаги майдон назарияси қимматли манба ҳисобланади.

Ўтган асрнинг 40-йилларида сўзларни семантик майдонларга ажратишнинг янги методи юзага келди. Бу Прага мактаби томонидан илгари сурилган бўлиб, у дифференциал-семантик таҳлил этиш деб номланди<sup>63</sup>. Бу метод асосида сўз лексик маъноси семема деб олиниб, компонентлари сема деб қаралади. Лексема семемалари умумлаштирувчи, яъни архисемага кўра бир семантик майдонни ташкил қилади. Бу семантик майдон майдончаларга, яъни гуруҳларга бўлиниб, улар интеграл семаси асосида ўзаро бирлашади. Семантик майдонга кирувчи ҳар бир лексема семемаси дифференциал семасига кўра бошқа семалардан фарқланади. Шунга кўра айтиш мумкинки, дастлаб семантик майдонлар мантиқий-семантик жиҳатдан ажратилган бўлса, бу методга кўра майдонлар лингвистик-семантик жиҳатдан ҳосил қилинади.

Сўз семантик майдонларини дифференциал-семантик таҳлил этиш методи дастлаб Прага мактабидан келиб чиққан бўлса ҳам, унинг кенг ёйилиши даниялик Л.Ельмслевнинг Прага мактаби тўпламида 1943 йил нашр этилган мақоласи билан боғлиқ<sup>64</sup>. Бироқ бу метод дастлабки даврда жуда тор доирада: қариндош-уруғчилик, жонивор номлари, ҳарбий атамалар ва баъзи бир ихтисосга доир терминлар семантик майдонини таҳлил қилиш учун қўлланган эди, бунда улар айрим терминларни дифференциация қилиш учун фойдаланганлар.

XX асрнинг 50-йилларида юзага келган семантик тадқиқотлар В.Звегинцев номи билан боғлиқ. В.Звегинцев “Семасиология” номли монографиясида умумий семасиологиянинг мазмунини ёритди. Олим ўз давригача маълум бўлган илмий асарларни талқин қилди ва семасиологиянинг асосий масалаларига аниқлик киритди. Лексик маъно, маъно тараққиёти, маъно

<sup>61</sup> Weisgerber L. Worn Weltbilder der deutschen Sprachc. – Dusseldorf. 1950.

<sup>62</sup> Щур Г.С. Теории поля в лингвистике. – М.: Наука. 1974.

<sup>63</sup> Засорина Л.Н. Введение в структурную лингвистику. – М.: ВШ. 1974. С. 115.

<sup>64</sup> Ельмслев Л. Прологомены к теории языка // Новое в лингвистике. Вып. I. – М.: Радуга, 1960.



миқдорига кўра сўз типлари, маъноларнинг парадигматик муносабатларига оид фикр-мулоҳазаларини баён этди<sup>65</sup>.

XX асрнинг 60-йиллари охирига келиб дифференциал белгиларнинг анъанавий назариясига аниқлик киритилди. Бу И.Толстой, Д.Шмелев, Ю.Найда каби тадқиқотчиларнинг ишларида ўз аксини топган<sup>66</sup>. XX асрнинг иккинчи ярмида Д.Шмелевнинг илмий изланишлари рус тилшунослигидаги семантик тадқиқотларнинг ривожланишига ҳисса қўшди<sup>67</sup>.

Шундан кейин семемаларни иерархик тартибда тузиш ғояси муҳокама этила бошланди. Бунда Б.Потье, Л.Хеллер билан И.Макрис, Н.Толстой, В.Гак каби тилшуносларнинг ишларини ҳисобда тутиш жоиздир<sup>68</sup>. Айниқса, Б.Потье ва В.Гакларнинг асарларида илгари сурилган масалалар диққатга сазовор бўлиб, семемаларни иерархик тартибда тузиш учун компонентлар архисема, интеграл сема, дифференциал сема, потенциал семаларга ажратилади ва шуларга асосланиши лозимлиги таъкидланади<sup>69</sup>.

Умуман, сўз семантикасини лингвистик-семантик метод билан ўрганиш сўз семантик майдонини лингвистик тадқиқ этиш имконини берди. Бу семантик майдоннинг таркибий поғоналарини номлаш уларнинг семемалари тараққиёти иерархик тизимини ўрганиш имконини яратди. Шунга асосланиб тилшуносликда бир қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилди. Масалан, рус тилшунослигида О.Селиверстованинг кўп маъноли сўзларнинг компонент таҳлилига<sup>70</sup>, Л.Васильевнинг русча феъллар семантикасига<sup>71</sup>, В.Ибрагимованинг русча йўналма ҳаракат феъллари семантикасига<sup>72</sup> бағишланган монографиялари юзага келди. Булардан биринчиси кўпроқ сўз семантик тараққиётини назарда тутса ҳам, қолган иккитаси феъл семантик майдонлари ва улар таркиби таҳлилига қаратилган тадқиқот ишларидир.

Л.Новиков семантика масалалари, семантика вазифалари, луғавий бирликларга хос лексик-семантик тизим, лексик маъно ва унинг семантик таркиби, таҳлили ҳақида изланишлар олиб борди<sup>73</sup>.

И.Кобозева семантика ҳақида фикр юритар экан, унинг бошқа фан соҳалари каби, ўз ўрганиш предметига эгаллигини таъкидлайди. Бироқ бу предметни аниқлаш осон эмаслигини қайд этади. Гарчи тилшуносларнинг аксарияти

<sup>65</sup> Ўша асар. –Б. 125

<sup>66</sup> Толстой Н.И. Некоторые проблемы сравнительной славянской семасиологии // Славянское языкознание. – М.: Наука. 1968. – С. 339-365; Шмелев Д.Н. Проблемы семантического анализа лексики. Автореф. дисс. ...докт. филол. наук. – М., 1965. – С. 15; НаيداЮ.Н. Наукаперевода // ВЯ, 1970. – №4. – С. 9.

<sup>67</sup> Шмелев Д.Н. Очерки по русской семасиологии. –М.,1964.

<sup>68</sup> Қаранг.: Pattier V. La definition semantique dans les dictionnaires // Travaux de linguistique et de litterature. III. - Strasbourg. 1965; Heller G., Macris J. Parametric linguistics Mauton and Co. TheHague. – Paris. 1967; Толстой Н.И. Некоторые проблемы сравнительной славянской семасиологии; Гак В.Г. К проблеме семантической синтагматики // Проблемы структурной лингвистики. – М.:Радуга, 1972.

<sup>69</sup> Pottier V. Ladef inition semantique dansles dictionnaires. – P. 31; Гак В.Г. К проблеме семантической синтагматики. – С. 341.

<sup>70</sup> Селиверстова О.Н. Компонентный анализ многозначных слов. – М.: Наука, 1975.

<sup>71</sup> Васильев Л.М. Семантика русского глагола. – М.: Bill,1981.

<sup>72</sup> Ибрагимова В.Л. Семантика русского глагола. – Уфа: Изд. БУ, 1988.

<sup>73</sup> Новиков Л.А. Семантика русского языка. –М.,1982.



семантика лингвистик ифодаларнинг маъносини ўрганади, деб ҳисобласа-да, маъно нималарни англатиши кераклиги ҳақидаги саволга умумий қабул қилинган жавоб йўқ. Предметни аниқлаштиришдаги ҳар-хилликлар туфайли семантика ва бошқа лингвистик фанлар, хусусан семантика ва прагматика ўртасидаги чегараларни ўрнатишда ҳам ҳар хиллик юзага келади. Семантика – тил бирликларининг мазмунини ва ушбу бирликлардан қурилган нутқий ҳосилаларни ўрганадиган тилшунослик бўлидир<sup>74</sup>.

Ўзбек тилшунослигида лингвистик семантика масалалари И.Қўчқортоев ва Ш.Раҳматуллаев<sup>75</sup> каби олимларнинг изланишларида ўз аксини топган. Жумладан, И.Қўчқортоев семантика ва унинг масалалари, лексик маъно ва унинг моҳияти, структураси, сўз маъноси ва унинг валентлигини биринчилардан бўлиб илмий асосда ёритган. Олимнинг фикрича, сўз билан боғлиқ бўлган масалалардан бири сўз семантик ҳажми масаласидир. Қатор семасиологик тадқиқотлар учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ушбу масала тилшуносликда ҳар хил талқин этилади. Сўзнинг семантик ҳажми<sup>76</sup> (сўзнинг мазмуни, маъно томони) бир бутун, яхлит ҳодиса эмаслиги барча тилшунослар томонидан эътироф этилади. Сўз семантикаси элементларининг бир типдаги ҳодисалар эмаслиги ҳам қайд этилган. Сўз семантикаси элементларининг бирига муносабати ҳақида ҳам ҳар хил талқинлар мавжуд бўлиб, сўз семантикаси элементларининг турли маъно ёки бир маънонинг турли кўринишлари, вариантлари сифатида баҳоланиши юзасидан ҳам турлича фикр-мулоҳазалар билдирилган<sup>77</sup>. Олим В.Звегинцевнинг “тил бирлиги бўлган фонема нутқда конкрет товушларда (вариантларда) реаллашгани каби, сўз маъноси (умумий маъно) ҳам нутқда ўзига хос вариантларда реаллашади”<sup>78</sup> деган фикрига эътироз билдириб, “Масаланинг бундай қўйилиши икки ҳодисани ўзаро фарқлашни тақозо этади: 1) умумий маъно ва 2) маънонинг вариантлари. Сўз маъносини бундай тушуниш полисемияни рад этади. Бу нуқтаи назарга мувофиқ, асосий маъно, тўғри маъно, кўчма маъно каби терминлар реал ҳодисаларни билдирмайди; сўз бундай маъноларга эга эмас<sup>79</sup>”, – дейди. Ш. Раҳматуллаев лексик маънонинг идеографик, туркумлик, ижобий ёки салбий баҳо семаси ва ш.к. мажмуидан ташкил топиши, лексема моносемали бўлса, «юқорида таъкидланган мураккаб мазмун жиҳати лексемага хос бўлиши, агар лексема кўп маъноли бўлса, унинг ҳар бир лексик маъносига хос бўлишини» таъкидлаган. Мана шундай мазмун планига эга ҳар бир лексик

<sup>74</sup> Кобозева И.М. Лингвистическая семантика. –М: Эдиториал УСС, 2000. – С. 8-10.

<sup>75</sup> Раҳматуллаев Ш. Семема– мустақил тил бирлиги//ЎТА, 1984. №5. – Б.18; Раҳматуллаев Ш., Юнусов Р. Семемаларнинг семалар состави ва семантик боғланиш ҳақида // ЎТА, 1974. № 1; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Тошкент, 1992. –Б.173-147р.

<sup>76</sup> Уфимцева А. А. Опыт изучения лексики как системы. – М., 1962, стр. 83.

<sup>77</sup> Қўчқортоев И. Сўз маъноси ва унинг валентлиги. – Тошкент: Фан, 1977. – Б.21-24.

<sup>78</sup> Звегинцев В. Семасиология. –М 1957. –С. 217.

<sup>79</sup> Қўчқортоев И. Сўз маъноси ва унинг валентлиги. – Тошкент: Фан, 1977. – Б. 21-24.



маънога ўзича мустақил тил бирлиги тарзида қараш, уни семема термини билан номлаш тўғрилиги ҳақидаги фикрни илгари сурган<sup>80</sup>.

Р.Расулов сўзнинг семантик тузилиши (структураси) бевосита маъно (семема) билан боғланишини таъкидлайди. Чунки семантик қурилишга эга бўлмаган маъно йўқ. Ҳар бир маъно семантик тузилишига, таркибига кўра «баҳоланади». У муайян сўзнинг мазмун томонини ҳосил қилиб, ўз товуш асоси – ифода томони билан биргаликда, бир бутун ҳолда тил ва нутқда муайян вазифа бажаради. Аниқроғи, маъно руҳий моҳият – онг ҳодисаси сифатида ўзининг ташқи (экстралингвистик) асосига эга<sup>81</sup>. Олимнинг ёзишича, ҳар бир мустақил маъноли сўз асосини ҳосил қилувчи объектив борлиқ предмет, нарса – ҳодисалари ўзининг табиий тузилишига, қурилиш аъзоларига эга бўлиб, уларнинг ҳар бири тилдаги (лисоний) номида – тил бирлиги (сўз)да ҳамда сўз маъносида акс этади. Сўзнинг маъноси, маъно таркиби муайян мантиқий бўлаклардан, яъни семалардан ташкил топади. Бу таркибий қисмлар сўз маъносини шакллантириб, ҳар бир маънонинг алоҳида тил «бирлиги» сифатида мавжудлигини таъминлайди. Сўз маъносининг таркибий қисмлари нутқда муайян хабарни ифодалайди.

Сўзнинг маъно таркибини (тузилишини) ўрганиш, таҳлил қилиш сўз маъносининг мантиқий бўлақларини аниқлаш, таркибий қисмларини белгилаш, ҳар бир семанинг маъно (семема) таркибидаги ўрни, аҳамиятини ёритиш, бошқа семаларга бўлган муносабатини очиш – маънолар орасидаги мантиқий алоқани топиш (семантик синтагмани ҳосил қилиш) – шунга кўра сўзларнинг ўзаро парадигматик ва синтагматик муносабатларга киришиш, сўзлар қаторини тузиш, парадигматик муносабатдаги сўзларни бир- биридан фарқлаб турувчи семаларни аниқлаш имконини беради. Бунинг натижалари эса семасиология, лексикография, лексикология, умуман, тилшунослар учун катта илмий-амалий аҳамиятга эга<sup>82</sup>.

**Ш. Сафаров семантикани алоҳида соҳа сифатида тавсифлади. Дунё лингвистикасида семантиканинг шаклланиши ва тараққиёт хусусиятларини таҳлил қилди. Семантиканинг предмети ҳақида сўз юритар экан, “Қарангки, шунча йил ўтишига қарамасдан (семантика термини инглиз тилида XVII асрдаёқ мавжуд бўлган), лингвистик семантика соҳасида унчалик катта ўзгаришлар юз бермагандай бўлиб турибди. Бундай “турғунлик”нинг бир нечта сабаблари бор. Биринчидан, олимлар семантикани, М. Бреалга эргашиб, сўз ва иборалар маъносининг пайдо бўлиши ва ўзгариш тақдири билан шуғулланадиган фан сифатида қараб келдилар. Иккинчидан эса, семантика ҳозиргача лексик маъно**

<sup>80</sup> Дадабоев Ҳ. Шавкат Раҳматуллаев тилшунослик фаолиятида лексикология масалаларининг ёритилиши//Шавкат Раҳматуллаев – атоқли тилшунос (олимнинг илмий фаолиятига доир мақолалар). – Тошкент, 2006. -68 с. – Б.19.

<sup>81</sup> Расулов Р. Ўзбек тили феълларининг маъно тузилиши.2-нашри. – Тошкент, 2008. –Б.4.

<sup>82</sup> Расулов Р. Кўрсатилган манба. –Б.4.



ҳақидаги фан бўлиб қолмоқда ва унинг эътиборини сўзлар кўп маънолилиги, антонимлик, синонимлик муносабатлари, омонимия қаторлари, валентлик имкониятлари каби ҳодисалар тортмоқда”<sup>83</sup>,– деб ёзади. Ушбу фикрлардан аёнки, семантиканинг лингвистик соҳа сифатидаги предмети ва тадқиқ объектларини аниқлаш юзасидан тадқиқотлар олиб борилиши зарур.

Лисоний бирликларнинг шакл ва мазмун томони ўртасидаги муносабатларни синтактик сатҳ материаллари асосида ўрганган А. Нурмонов ўзбек тилшунослигида лингвистик семантика соҳасида ўзига хос ўринга эга. Хусусан, олим ажратилган бўлак масаласи гапнинг шаклий тузилиши учун эмас, балки мазмуний тузилишининг устуворлиги асосида тадқиқ этилиши кераклигини, кесим гапнинг мазмуний ва грамматик маркази эканини, шунга кўра гап бўлакларини аниқлаш, таснифлаш, таҳлил қилишда мазмун устувор эканини исботлашга ҳаракат қилди<sup>84</sup>.

Лингвистик семантика, жумладан, синтактик семантика тилшуносликнинг нисбатан янги соҳаси бўлса ҳам, ҳозирги кунда унга турлича ёндашувчи хилма-хил семантик йўналиш ва мактаблар вужудга келди. Бу семантик йўналиш ва мактабларда ўзларига хос турли тушунча ва терминлар системаси ишлатилгани учун бир-бирига мувофиқ бўлмай, ҳатто айрим ўринларда бир-бирига зид келади<sup>85</sup>.

А.Нурмоновнинг гапнинг мазмуний тузилиши ва гап семантикаси бўйича илгари сурган фикрлари лингвистик семантика моҳиятини очиб беришда катта аҳамиятга эга бўлди.

Гап семантикасига қизиқишнинг уйғонишига лингвистик назария ривожига таъсир кўрсатган бир қатор омиллар: лингвистиканинг гап мазмуни – пропозицияга алоҳида диққат қилувчи мантиқ билан муносабатининг янги поғонага кўтарилиши, тил ва нутқнинг маъно томонига умумий бурилиши, нутқ фаолиятининг прагматик компонентида эътиборнинг кучайиши, гапга ўзининг махсус маъноси бўлган тил белгиси сифатида қарашнинг вужудга келиши ҳамда гапларнинг мазмуний эквивалентлиги тушунчасига таянадиган синтактик трансформация назариясининг пайдо бўлиши сингари омиллар туртки берди<sup>86</sup>. Олимнинг қайд этишича, ҳозирги кунда семантика деярли ҳамма тилшунослар томонидан эътироф этилса-да, аммо синтактик семантика мақоми масаласида бир хиллик мавжуд эмас. Синтактик семантиканинг асосий вазифаси шаклий-синтактик моделларнинг хусусий маъноларини аниқлашдан иборат бўлиши керак.

<sup>83</sup> Сафаров Ш. Семантика. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2013. – Б. 14-15

<sup>84</sup> Нурмонов А. Гап ҳақидаги синтактик назариялар. –Тошкент, 1988; шу муаллиф. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. –Тошкент, 1991; шу муаллиф. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси (синтаксис). –Тошкент, 2001.

<sup>85</sup> Нурмонов А. Танланган асарлар. 1-жилд. –Б.240-242.

<sup>86</sup> Ўша асар. –Б.240-242.